

ТУНЖЕР ЖУЖЕН ЪҒЛИ

**БРУТ ЁХУД
ЮЛИЙ ЦЕЗАРИНГ
ҚОТИЛИ**

(Трагикомедия)

Таржимон
Ойбек Вейсал ўғли
aybekveysalloglu@mail.ru

ИШТИРОКЧИЛАР:

МАРК БРУТ - Жумхуриятчи сенатор

ЮЛИЙ ЦЕЗАР - Консул

ЛОНГИН КАССИЙ - Жумхуриятчи сенатор

СЕРВИЛИЙ КАСКА - Жумхуриятчи сенатор

ПОРЦИЯ КАТОНА - Брутнинг хотини

СЕВИЛИЯ - Брутнинг онаси

ЛУЦИЙ - Брутнинг боласи

КАЛЬПУРНИЯ - Цезарнинг сўнгги хотини

ЦЕЗАРНИНГ ТАНСОҚЧИЛАР, АСКАРЛАР, ФУҚОРАЛАР

ВАҚТ :

14 Март М.А. 44 йил кечаси

15 Март М.А. 44 йил кундуз.

ЖОЙ:

Рим

I

Кассийнинг уйи

Кассийни ўйнайдиган актёр саҳнада ўз кийимларини ечиб, ижро этадиган образнинг кийимларини кияди ва ролга тайёргарлик кўради. Гри姆 қиласи. Гўё сахнадаги катта ойнада ўзини мароқ билан кузатади. Кийим ва гриимидан хурсанд бўлади. Қувонч билан кулиса оркасидагиларни баланд овозда чақиради.

КАССИЙ - Тайёрмисизлар!

КАСКА - Ҳозир!

КАССИЙ - Тезроқ бўла қол.

КАСКА - Хали вақт бор. Тайёр бўлай деб қолдим.

КАССИЙ - (*Ҳазил аралаш*) Намунча бегам бўлмасангиз. Мен сенатор Касканинг киёфасани кўриш иштиёқидаман. Аммо сен Кассийнинг киёфасини кўриш учун парво хам қилмайсан.

Актёр Каска киёфасига кирган ҳолда, аста секин саҳнада пайдо бўлади. Бир бирларининг киёфаларини синчковлик билан кузатишада

КАСКА - Ҳайрли тун сенатор Кассий.

КАССИЙ - Ҳайрли тун сенатор Каска.

КАСКА - Ҳурматли сенатор Кассий, бу ерга кеч келишимга арзийдиган таёйргарлик кўрибманми?

КАССИЙ - Ха! Мени қиёфам-чи, ёқдими?

КАСКА - Бу киёфангни сенаторнинг салобатли характери билан мужассамлаштиранг мукаммал бўлади. Мен нимагадир ўзимни яхши хис қилмаяпман. Қўл-оёқларим бўшашиб кетмоқда. Осон эмас, классик қиёфада илк маротаба саҳнада роль ижро этиш.

КАССИЙ - Иккаламиз ҳам анча тажрибага эга актёрлармиз. Бунга ўхшаш ҳаёжонли онларни кўплаб бошимиздан ўтказганмиз. Лекин тан олиш лозим, мени ҳам ҳаяжон босмоқда. “Нега?” деб сўрасанг, айта қолай. Бундай мураккаб, серқиррали киёфани

илк маротаба яратмоқдаман. Мени ўзимга бутунлай қарама қарши бўлган характер – бу сенатор Кассий. Мен кўпроқ гаплашишни ёқтираман. Кассий эса, аксинча кам гап. Мен мазза қилиб, оғзимни тўлдириб “ках-ках-ха” отишни ёқтираман. Сенатор эса фақат кулимсираб, оғзини очмай кулади. Яъни мени бутун ички дунёим, борим ташқарида, у эса хаммасини ичидаги тутади, писмиқроқ.

КАСКА

- Айни муаммолар мен ўйнайдиган образда ҳам бор. Мен сен айтгинчи, мен билан Касканинг ўхша什 жой борми? Каска хар бир ишни олдиндан қачон, қай вақтда амалга ошишини билади ва тартиб-интизомда жуда қатий. Қарорларни жиддийлик билан оладиган жумхуриятчи сенатор. Мен эса умумн бетайнман. Хатто электор ҳисобини ҳам ўз вақтида тўлай олмайман. Учрашувларга ҳам камдан кам вақтида етиб бораман. Ҳуллас, ҳисобсиз фарқли томонларимиз бор. Буларнинг барчасига қарамай режиссёrimiz бизларни шу ролларга муносиб кўрди.

КАССИЙ

- Режиссёrimiz бекорга ҳар доим такрорламайди: “Хақиқий актёр турли қиёфаларга киришга қодир бўлиши керак” деб. Менимча у хақ.

КАСКА

- (*Чўнтағидан чалаётган телефони чиқаради*) Ало!? Ҳа... Каска қийимларини кийдим. Грим ҳам қилдим. Ҳа, жоним, спектаклни бошланишини кутаяпман. Йўқ... Хали бошлангани йўқ. Спектакл бошланганда мен сен билан телефонда гаплашиб туролмасдим. Баъзида гапираётган гапларинга аҳмият бермай қолаяпсан, жоним. Йўқ. Ёлғиз эмасман. Ёнимда ким ҳам бўларди... Каскани ўйнайдиган ўроғим бор... Тавба..! Каска эркак! Брутнинг хотинини ўйнайдиган ёш актирса бу ерда йўқ. У билан бирга ўйнайдиган хеч бир саҳнамиз йўқ. Нега безовта бўлайпсан? Аёларнинг грим хоналари алохида, деб неча марта сенга тушунтиридим. Қачон бу аҳмоқона рашқ қилиш тугайди!? Зўрга ёдлаганим сўзларни ҳам унутиб, саҳнада расво бўлишимни хохляяпсанми? Бўлди, қисқа қил! Менга омад тилаб, тугатни бу бўлмагур сухбатни. Эй... Билганингни қил! (*Жаҳил билан телефони ўчиради*)

КАССИЙ

- Хотинингми?

- КАСКА - Бошқа ким ҳам бўлиши мумкин? Репитицияларга келиб турганиди. Аслида уни репитиция эмас, янги келган ёш актриса қизиқтиган. Ўшандан бери мана шу ёш қизчани менга rashq қиласи. Гўё бири биримизга тикилиб қолганиизга гувоҳ бўлганмиш. Нуқул мега тухмат қилиб, азоб бергани – берган.
- КАССИЙ - Менимча хотининг хақ. Сени кўрган пашаонлар хам қўрқанидан яқинлашмайди.
- КАСКА - Жуда ҳам унчалик эмас!
- КАССИЙ - Бугун илк ўйинга келмайдими?
- КАСКА - Премьерага келармиш! Бизни ёлғон ижромизга тоқати йўқ экан. Бир томошани икки марта кўра олмасмиш.
- КАССИЙ - Бўпди... Қўй бу гапларни. Спектаклдан олдин сокинлашиб ол. Чуқур нафас олиб ичинда бироз ушлаб тур. Кейин аста - секин нафасингни чиқар. Спектаклни бошланиш вақти яқинлашиб қолди. Ўзингни хотиржам тут. Қани менга айтчи, спектаклдаги воқеалар қачон юз берган.
- КАСКА - 14 март 44 йил... Кечаси бошланиб, 15 март 44йил эрталаб тугайди.
- КАССИЙ - Яхши. Аммо 44 йилга аниқлк киритиш керак. Эрамизнинг аввалми ёки кейинми?
- КАСКА - Эрамиздан аввал.
- Касканинг чўнтаgidаги телефон яна жириングлайди. У телефонни олиб ким эканлигага қарайди. Уннг юзи буришишидан маълум бўладики, яна хотини телефон қиласи. Хоҳламай телефонни қулоғига олиб бормоқчи бўлади. Кассий бунга қаршилик кўрсатмоқчи бўлади.
- КАССИЙ - Эрамиздан аввал 44 йилда қўл телефони бўлганмиди? Эй, тангрим! Ўчир шу телефонни. Умуман яшириб қўй. Ўртага шайтон аралашиб, яна спектакль пайти жиринглаб қолса-чи? Хушёр бўлиш керак.

Каска телефонни ўчириб чўнтаигига қўяди. Худди парда орасидан томошабин залига қарагандай бўлади.

КАССИЙ - Томошабинлар жойларига ўтириб бўлишибди. Хозир томошани бошлаймиз. Агар ҳозир спектаклни бошламасак томошабинлар қарсак чалишни бошлашади. (*иккинчи қўнгироқ янграйди*)

КАСКА - Энди яна камида беш марта чуқур нафас олиб, ўзинги ўйинга тайёрла. Бўлақол!

Каска чиқади, учинчى қўнгироқ янграйди. Стол устида бир тўплам мактубларни лўриб чиқмоқчи бўлади, лекин чироқчиларнинг ишорати уни эътиборини тортади. Шу пайт томошабинлар залидан қарсаклар эшишилади. Касканинг саҳнага келиши кечикади. Бундан Кассий безовта бўлади.

КАССИЙ - Каерда қолди бу одам. Бунчалик бепарво одам бўладими?
Қани энди сенатор Каска?!

КАСКА - (*Холиқиб кириб келади*) Ташқаридаги карсакларни эшитияпсанми? Худди Римдаги Амфитеатрнинг шовқини сингари... Ёмғирдан Помпей театрига яшириングаним учун сизни ёнингизга кеч қолдим, ҳурматли сенатор Кассий.

КАССИЙ - Чакмоқ чақсаю, селлар келса, хатто арслонлар кўчаларда юришса хам бу иш амалга ошади Каска. Чунки эртага юрмоқчи бўлган йўлнинг тошларини бугундан териб чиқиш лозим бўлади. Камчилик бўли керак эмас, акс ҳолда натижабиз ҳоҳлагандай бўлмайди. Энг ёмони бу биз чиқмоқчи бўлган йўл битта хато билан фалокатга олиб келиши мумкин. Хар қандай шаҳсий, ҳусусий ҳис-туйғулар муаммолар четда қолиши керак.

КАСКА - Умид қиласман бу шошилинчда олиб борилаётган тайёргарлик натижага салбий таъсир кўрсатмайди. Бежизга айтишмаса керак, шошилган ишга шайтон аралашади, деб.

КАССИЙ - Ишнинг шошилинч жойи қолмади. Ўқ ёйдан чиқди. Ҳаммаси режалаганимиз асосида бўлиши керак. Иг мактубларни олиб бориб Брутнинг уйининг боғчасига ташлагин. Хар доимдай... Биров билмасин. Унутма, Брут биз ўйлаган ишга очиқасига қўшилишига қарор бергани йўқ. Синглимга уйланган бўлишига қарамай, менга ҳам баъзан ишонмайди. Брут бу мактубларни халқдан келганига ишонч ҳосил қилса, дарҳол келиб бизларга қўшилади. Брут орқасида мадад бўлиб халқ турганлигига инонса, биз сиёсатчиларга маъқул бўлади. Биз

ташкил қилған мактубларнинг мейваси сифатида, у бизни бу кече уйига таклиф этди. Шундай эмасми?

КАСКА - Фақат Брут ҳүшёрлик қилаётгани йўқ, сен ҳам нимагадир, эҳтиёткорликдан унга барча режаларни очиқ айтмаяпсан.

КАССИЙ - Тўғри. Ўзи аста секин ҳаммасини тушиниб етсин, ўзи қарор беришини кутаяпман. Тўғри у ҳам биз синграги сумҳуриятчи, лекин у Цезар учун жонини беришга тайёр. Хозирча. Шунинг учун бу мактублар жуда ҳам муҳим. Айнан мана шу мактублар Брутни Цезарга бўлган ҳайриҳоҳлигини йўққа чиқаради. Тушундингми Каска.

КАСКА - Кассий, маълумки, мен ўз вазифамни бажарайпман. Бугунга қадар хар доим бўлгани сингари, кейин ҳам зиммамга тушган барча вазифаларни бажараман.(Мактубларни олади) Фақат ёмғир тинсин, бўлмасам мактублар хўл бўлиб ўқилмас холатга тушиб қолишлари мумкин. Энг муҳими, бу хатларни уйнинг боғчасига шундай жойлаштириш керак бўладики, Брут мактублардан шубҳа қилмасин.

КАССИЙ - Ишимизни хар тамонлама ўйлаб қилаётганининг жуда яхши.

КАСКА - Биз қачон ва қаерда, Брутнинг уйига бориш учун учрашамиз?

КАССИЙ - Тўғри мени уйимга келасан. Ташқаида кўришишимиз ишимиз учун таҳликали бўлиши мумкин. Бизи уйда кўришиб, тунда Рим кўчалирига сукунат чўканида Брутнинг уйига қааб йўл оламиз. Бу билан Брутга барча мактубларни ўқишига имконият яратиб берган бўламиз.

КАСКА - Тушинарли Кассий. Фақат юрагимда қанадир хавфсираш бор. Ақлу-фикрим жойида эмас. Бироз қўрқув ҳам бордек.

КАССИЙ - Сени жуда ҳам яхши тушиниб турибман. Рости менда ҳам хавотир бор. Қўрқув - инсонга хос туйғу. Бирорнинг ҳаёлига ҳам келмайдиган ишларга киришмоқдамиз. Албатда осон эмас. Цезардек бир одамни қатл қилишни режалаштириш, хатто хаёлга ҳам келмайдиган иш. (Оғзидан чиққан сўзлардан ўзи ҳам қўрқиб кетади) Тамом! Бошқа бу хақда гаплашмайлик. Деворларнинг ҳам қулоғи бор дейишади... Қани борақол, энди.

КАСКА - Бошладик, Кассий.

Икки сенатор худи оғир жудоликка учрашлари мумкин бўлганидай кучоқ очиб хайрлашадилар. Каска мактублар билан тўла халтани олиб, аста секин ташқарига чиқади.

II

Брутнинг Уйи

Брут тайёргарлик кўрмоқда. Кийимларини тузата бошлайди. Столнинг тортмасидан бир маска чиқаради ва кийинади. Бу маска театр дунёсига таниш бўлган кулги ва йиғлашни акс этадиган киёфадир. Ойнага қараб маскани ярашганлигини кузатади. Маска ёқиб тушгани учун хурсанд бўлади.

БРУТ - (*Томошибинларга*) Мен бу спектаклда сенатор Брутни ролини ўйнайман. Ташқарида афишани кўргандирсизлар. Ахамият берган бўлсангиз, томошанинг номи айнан Брут сўзи билан бошланган. “Брут ёхуд Юлий Цезарнинг қотили”. Гапни чўзмасдан шуни такидламоқчиманки, Брут спектаклнинг бош роли. Мен шу кунгача бу театрда фақат иккинчи даражали ролларни ўйнаб келдим. Брут роли мен учун шарафли ва маъсулиятлидир. Шу билан бу роль менга катта имкониятлар эшигини очади ва мен бу фурсатдан унумли фойдаланишим керак. Ақлимга ҳар хил бўлмағур фикрлар келмоқда. Хамиша “Сен ҳам ми, Брут? ” деган хоинликка чорловчи тушунчага эга бўлган Брут образи учун, янгича бир талқин бўлармикан бу роль? Брут жумҳириятчи сенатор. Бунча эзмалик етар, ишга киришайлик. Томоша қилинглар ва сўнггида ролим муваффақиятли ёки йўқлигига сизлар қарор берасизлар. (*Сахнага Порция чиқиб келади. Порция Брут гапираётганда котиб туради. Брут томошибинларга гапиради.*) Бу аёл менинг хотиним Порция. Кассийнинг синглиси. Театримизга айнан мана шу роль учун таклиф этилди. Бу актриса ўзининг жозибаси ва маҳорати билан театримизда узоқ қолмаса керак. Тез орада бу спектаклдаги Порция ролини кўрган кино режиссёрлар ёки рекаламачилар илиб кетишса керак.

Сахнадаги чироқлар ўзгариб, шамол ва мамақолдироқ овозлари орқали тарихий сахнага ўтилади. Ёмҳир овози аста секин тина бошлайди. Порция статик холатдан жонланади ва Брутнинг орқасидан келиб бағрига босади. Брут ўз хаёлларига чўмиб тургани учун бу кутилмаган харакатдан чўчиб тушади.

БРУТ - Ох!

- ПОРЦИЯ** - Римнинг энг келишган, навқирон сенатори. Менинг Брутим.
- БРУТ** - Кўрқитиб юбординг, Порция! Юрагим ёрилиб кетай, деди. Ёмғир ҳам тинди, кўчаларни тўлдириб оқаётган сувлар ҳам тўхтади. Қулоқ сол... Атроф жим-жит... Сукунат чўкди.
- ПОРЦИЯ** - Инсонни безовта қиласиган оқшом.
- БРУТ** - Тўғри, бугун бошқача бир кечани ўтказаяпмиз.
- ПОРЦИЯ** - Кун бўйи сени ўйладим Брут. Сендай турмуш ўртоғим борлигидан хурсандман. Барчанинг хурматига эга, қўп китоб ўқийдиган, файласуф, бирорни хафа қилмайдиган эрим борлиги менинг баҳтим. Мени жуда ҳам севадиган инсоннинг битта камчилиги шундаки, у римни мендан қўпроқ севади.
(Кулишиади)
- БРУТ** - Сен ҳам худди шундайсан. Севги ва хурматга эгасан. Сен намунавий инсон, ҳар қандай бир тадбирда ўзини тутишни, муносиб кийинишини, фақат керакли сўзларни гапиришни яхши биласан. Яқин сафдошим, дўстим Кассийнинг синглиси бўлишинг ҳам муносабатларимизга ўзгача завқ бағишлайди. Хуллас, камчилиги бўлмаган бир инсонсан.
- ПОРЦИЯ** - *(Кулишиади)* Ҳар доим ҳам бундай тарбияли бўлш қўлимдан келмайслигини яхши биласан.
- БРУТ** - Биламан... Чунки ўзимда ҳам камчилик бор. Луций шу атрофдами?
- ПОРЦИЯ** - Луцийни нима ишинг бор?
- БРУТ** - Мехмонлар келишини била туриб, нега уйда эмас? Сен кўрмадингми уни?
- ПОРЦИЯ** - Боҳчада дараҳтларнинг тагида нималарнидир йиғиштираётганди.
- БРУТ** - Мен унга эшикни тагида туриб, келадиган икки дўстимни кутиб олишини айтгандим.
- ПОРЦИЯ** - Ким экан бу икки дўстинг?
- БРУТ** - Иккиси ҳам сенатор. Аканг Кассий билан Каска.

- ПОРЦИЯ** - Мен бир ойдан бери акам билан кўришганим йўқ... Лекин нимагадир мени эмас, сени кўргани келаяпди? Сизлар сенатда кўришганларинг етмайдими? Энди уйни хам ишхонага айлантироқчимисан? Нималар режалаштироқдасан?
- БРУТ** - Боя айтимку, жуда ҳам хаяжонли кеча бўлади, деб.
- ПОРЦИЯ** - Мени соғинмадингми?
- БРУТ** - Бу нима деганинг? Сени қанчалар севишимни биласан.
- ПОРЦИЯ** - Нега мендан ўзингни олиб қочаяпсан?
- БРУТ** - Жуда муҳим ишимиз бор.
- ПОРЦИЯ** - Ҳар куни муҳим иш чиқади.
- БРУТ** - Хаёт шундай жоним..
- ПОРЦИЯ** - Қанақа муҳим иш экан? Мендан сир тутмоқдамисизлар
- БРУТ** - Бундай саволлар билан мени безовта қилма.
- ПОРЦИЯ** - Бу нима деганинг? Мен сени хотинингман, хаммасини билишим шарт.
- БРУТ** - Бўлди бу мавзуни тугатдик.
- ПОРЦИЯ** - Ёки... Сени хаёtingда бошқа аёл борми?
- БРУТ** - Нималар деяпсан?
- ПОРЦИЯ** - Ўзингни билмасликка олма. Мени саволимга жавоб бер. Хаёtingда бошқа бир аёл борми?
- БРУТ** - (Ўйланиб) Жоним сенда чиройли ва жозибали бошқа бир аёл борми Римда? Гапирсанчи? Агар сендан гўзал аёл бўлганида, шундай кераксиз саволни беришга хақинг бўларди.
- ПОРЦИЯ** - (Мулойим) Гапларигда жон бор. Бу фикрларинг хатто менга ёқиб тушди. Брут сен аёлларни ички дунёсини яхши биласан. Айнан мени баҳомни ва қадримни билаганинг учун ҳам сени танлаганман.
- БРУТ** - Ундай бўлса бошқ бундай бўлмағур саволларн берма?

- ПОРЦИЯ** - Холам нуқул бир нарсани такидларди: “Сен жангалкаш ва Эринг Брут хам сен жуда севади. Фақат шуни ақлингдан хеч ҳам чиқарма. Кўшнининг товуғи, хар доим ғоз бўлиб қўринар экан...”
- БРУТ** - Бундай фикрлар билан узоққа боролмайсан Порция.
- ПОРЦИЯ** - Атрофинга яхшилаб бир назар сал. Бегона аёллар билан илишиб юрмайдиган эркакнинг ўзини Римда топиш мумкин эмас. Бошқача қилиб айтганда, хеч бир эркакга ишониб бўлмайди, чунки ихонат қилиш уларнинг баъзи бирларининг қонига сингиб кетган.
- Эшикда хурсанд ҳолда Луций кириб келади. Кўлида сапатни аста секин ўртага қўймоқчи бўлади.
- БРУТ** - Нима мевалар тўплаб келдингми?
- ЛУЦИЙ** - Ха афандим... Бу “мевалар”, худди маҳсус белгиланган ерларга сочиб ташалангандай... Энг муҳими, шундай даҳшатли ёмғирдан, бир иккитасини хисобга олмасак, бошқалари намланмабди ҳам. Буларни йиғиб олиш осон бўлмади. Агар тўғри санаган бўлсам, йигирма иккита экан. Фгар сўнгги бир хафтада боғдан йиғиб олганим хатларни бир орага йиғсак, битта катта китоб холига келиши мумкин.
- Саватдаги хатларни ўртадаги столга ёйиб ташлайди ва чиқмоқчи бўлади. Уни бирдан Брут тўхтатади.
- БРУТ** - Тўхта! Шошилма. Айтадиганларим бор.
- ЛУЦИЙ** - Эшитаман!
- БРУТ** - (*Порцияга наст овозда*) Менга хақсизлик қилма, Порция. Меҳмонларим кетганидан кейин, бу масалаларни гаплашиб оламиз. Зотан меҳмонлар билан учрашув узоқ давом этмайди. (*Кулоқларига пичирлайди*) Бу кеча сен хохлагандай бўлади.
- ПОРЦИЯ** - Яхши севгилим. Келишингни кутаман. Яна битта гапим бор, фақат жахлинг чиқмасин. Базан сенсиз қолиб кетаман деб, фтишиша қиласяпман. Шунинг учун рашқ қилишни хам бошладим. Агар сени йўқотсам, яшай олмайман Брут.

- БРУТ** - Хавотир олма, хозирча ўладиган режам йўқ. Лекин охир оқибат хаммамиз ўламиз.
- ПОРЦИЯ** - Хўп... Дўстларингни меҳмон қилиш учун мен керак бўламанми?
- БРУТ** - Йўқ, жоним. Бору йўғи шароб ва мейва тановул қиласиз. Бизга Луций ҳамроҳлик қиласиз.
- ЛУЦИЙ** - Хаммаси тайёр бўлди, афандим. Шароб йигирма йиллик, алоҳида маҳсус жойда сақланган. Мейваларнинг энг сарасини хозир дараҳтдан узиб олиб келинди.
- БРУТ** - Ташаккур Луций.
- ПОРЦИЯ** - Сизларга яхши майишатлар тилайман севгилим. Акамга саломларимни айт. Имконини топиб бизлар билан ҳам кўришсин. Давлат ишлари тугамайди.
- БРУТ** - Айтаман.
- ПОРЦИЯ** - (*Чиқаркан Луцийга қараб*) Мен ичкарида бўламан, агар бирор нарса керак бўлса хабарим бўлсин, Луций.
- ЛУЦИЙ** - Хўп бўлади!
- Порция чиқади. Брут сафатдан битта мактубни олиб Луцийга беради.
- БРУТ** - Қани мана буни ўқигинчи, Луций? Фақат аста-секин, шошилмасдан.
- ЛУЦИЙ** - (*Мактубни ўқийди*) Хурматли сенаторим Брут. Бу сатрларни калбимдан келган сўзларни самимият ила ёзаяпман. Мени тушуниб, фикрларимни қўллаб-қувватлашингизга ишонаман, чунки сиз ақилли ва узоқни қўра оладиган бирисиз. Халкимизнинг, айниқса камбағал ва ўрта хол оилаларни фаравон яшашида олиб бораётган ишларингизни яхши биламиз. Рим халқи учун адолатли сенатор эканлигиниздан шубҳа йўқ. Мени кимлигимни билмоқчи бўлсангиз, мен оддий хунармандман. Сиз биз хунармандларни хар томонлама ҳимоянгизга олишингиз, муаммоларимизни ижобий ҳал қилишингизни эътироф этамиз. Барча хунармандлар сизни хар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигимизни билдириб мактубимни тугатаман. Катта хурмат ва эхтиром ила бир юртдошингиз.

- БРУТ** - Кейинги мактубни ўқишинг мумкин.
- ЛУЦИЙ** - Хўп бўлади афандим.(*Мактубни олиб ўқий бошлайди*) “Мухтарам Марк Брут... Ўтмишдан бир нохуш воқеани эслашдан ўз сатрларимни бошлаганимдан узр сўрайман. Дунё гўзали онангиз ва хурматли отангиз ўтмишда, тилларда дастон бўлган баҳтли ҳаёт яшашганини сиз хам хотирлайсиз. Римда барчага намуна бўладиган оила эдингиз... Токи, Цезар жанг сафаридан навбатдаги ғалабаси билан қайтиб келиб, Римнинг энг хурматли инсонлари билан биргаликда бу зафарни қутлаш учун дават қилингандар орасида отангиз хам бор эди. Бу зиёфат тонг отгунга қадар давом этди. Эрталабгача Цезарнинг зафарига оффаринглар айтиб, мақтаб тўхтовсиз шароблар ичилди... Эрталаб отангиз уйга қайтиб келганда сиз онангиз билан бирга уни қаршиладингиз. Отангизни сархуш эди. Нуқул “Цезар буюк одам... Буюк аскар, у хаёт экан хеч ким Римга ёмон кўз билан қарай олмайди...”, дерди. Кейин, сиз отангизни ётоғига олиб кириб қўйдингиз. Ўзингиз хам хонингизга кириб, дам долмоқчи бўлиб турганингизда, бирдан отангизни хонангиздан онангизни қўрқинчли хайқириғи эшитилди. Бориб не кўз билан кўрингки, отангиз вафот этганди.” (*Жим бўлади.*)
- БРУТ** - Нима бўлди? Нега жим бўлиб қолдинг Луций? Бу воқеани биламиз. Давом эт.
- ЛУЦИЙ** - (*Ўқишида давом этади*) “Эртаси кун Цезар уйингизга келиб сиз ва онангизган тазияда бўлди. Отангизни жанозаси энг юқори талабларда бажарилди. Ама, Цезар сизларникига ташриф буюришда давом этди. Орадан бироз вақт ўтиб, онангиз Цезар билан бирга яшай бошлади. Бу сатрларни ёзишга мажбурман, хурматли Брут. Қолаверса, сени бу воқеаларни сиз мендан хам яхши биласиз... Аммо, бу яқинлик , бирлик узоқ давом этмади. Раҳимсиз Цезар онангизни ташлаб, бошқа машуқалари билан майшат қилишда давом этади.” (*Мактубни ўқишидан тўхтайди*)
- БРУТ** - Луций мактубни ўқиб тугат.
- ЛУЦИЙ** - “Мухтарам сенаторим. Сизга яхши таниш бўлган бу хикояни яна бир марта сизни хотирангизда янгилашга мажбур бўлганим учун узр сўрайман. Аммо сиз билмаган баъзи бир холатларни билдиromoқчиман. Отангизни ўлимини хакимлар “Захарланиш”

деб баҳо беришган экан. Гүё емак захарланган эмиш. Сизга сўйраяпман хурматли Брут, агар хақиқатдан ҳам емак захарланган бўлса, нега бошқалар шу таомлардан тановул қилишсада захарланишмади. Цезарнинг чиройли аёлларга бўлган эхтиросни сиз ҳам яхши биласиз. Қолаверса, Цезар отангизни ўлимидан олдин ҳам онангиз ёқтиргани сир эмас. Шуни ҳам унутмангки, хурматли Брут, Цезар ўз мақсадига этишиш учун ҳар томонлама обдон ўйлаган режа билан иш кўради. Мен фақат билишингизни хохладим. Хурмат билан Римлик бир фуқаро. (*Бир муддат сассиз қолишади*) Афандим, кейинги мактубни ўқишда давом этайми?

БРУТ - Кўявер... Ташаккур. Мен ўзим қолганларини кўриб чиқаман.

Луций ташқарига чиқди. Брут ташвишланади. Атроф чироқлар орқали ёруғлашади. Брут томошибинларга мурожат қиласди.

БРУТ - Бу нима дегани энди? Ўйлашга, фикирлашга мажбур қиладиган саволлар берилди. Худди Ҳамлет сингари файласуфларча фикрлашга тўғри келади. Дунёнинг энг буюк драматурги Шекспир “Юлий Цезар”ни ёзаркан бу воқеаларга эътибор бермаслиги мумкинми? Ёки бир йил сўнг “Гамлет” трагедиясига учун асос қилиб сақлаб қўйдими?

Саҳна чироқлари ўчиб, бирданига ёришади ва спектакл тўхтаган жойидан давом этади. Брут мактубларни ўқишда давом этади. Безовта бўлади. Ташқариди эшик олдида Луций турибди. Брутнинг онаси Севилия кириб келади.

СЕВИЛИЯ - Хайрли кечади Луций.

ЛУЦИЙ - Хайрли кечади Хоним афандим.

СЕВИЛИЯ - Ўғлим уйдами?

ЛУЦИЙ - Ха хоним афандим, марҳамат.

СЕВИЛИЯ - Йўқ. Ичкарига кириб мени келганимни айт. Агар банд бўлмаса, олдига кираман. Акс ҳолда Порцияни ёнида кутиб тураман.

ЛУЦИЙ - Хўп бўлади. (*Ичкарига киради*) Афандим.

БРУТ - (*Ўрнидан туради.*) Келишдими?

ЛУЦИЙ - Йўқ, афандим. Онангиз Севилия хонимафанди, келдилар.

- БРУТ - Онамми?
- ЛУЦИЙ - Агар банд бўлса, Порцияни ёнида кутиб тураман, дедилар.
- БРУТ - (*Луцийни кутмасдан, ўзи тезда эшикни очади*) Келинг онажон.
(*Онасини ўпади*) Хуш келдингиз.
- СЕВИЛИЯ - Хайрли оқшом, Брут.
- ЛУЦИЙ - Хоним афанди бирон бир амрингиз борми?
- СЕВИЛИЯ - йўқ, ташаккур.
- БРУТ - Мехмонлар келишса, хабарини бергин. Онажоним бегона эмас.
- ЛУЦИЙ - Хўп бўлади, афандим. (*Чиқади*)
- СЕВИЛИЯ - Мехмонларинг кимлар, Брут.
- БРУТ - Икки сенатор.
- СЕВИЛИЯ - Қизиқиб қолдим. Кимлар экан?
- БРУТ - Кассий ва Каска...
- СЕВИЛИЯ - Ха, шу Кассий, қайнбиродаринг. Цезар уни хеч ҳам ёқтирасди. Пасткаш ва ишончсиз бири, дерди. Кассий Цезерга ҳар доим хавас қилик келган. Хатто Цезарга нафрат билан қарашини ҳам биламан. Ама Цезръ даҳо... Каска... Касканинг ҳам, хукумдорликка иштиёқи баланд.
- БРУТ - Кассий ақили... Нима қилишини яхши билади, онажон.
- СЕВИЛИЯ - Сен ҳар вақт хақсан. Кеч бўлиб қолди. Қандай муҳим иш эканки, тунда келишаяпди..
- БРУТ - Мана сиз ҳам кеч бўлишига қарамай келибсиз.
- СЕВИЛИЯ - Бу ер мени ўғлимнинг уйи... Хохлаган пайт келишим мумкин. Шундай эмасми?
- БРУТ - Шубҳангиз борми онажон? Мен сизни бутунлай бизникида қолишингизни хохлаган эдим, лекин ўзингиз рад этингиз.

- СЕВИЛИЯ** - Бир уйда икки буюрук берувчи бўлмайди. Алоҳида яшаганимиз яхши. Нега тунда йигилаяпмизлар, айтмадинг.
- БРУТ** - Эртага бўладиган сайлов хусусида келишиб олмоқчимиз. Қилинадиган ишларни белгилаб олмоқчимиз.
- СЕВИЛИЯ** - Тунда, маҳфий йиғилиш шартми?
- БРУТ** - Демак, шарт бўлиб қолди, онажон. Ха, айтгандай, сизни шундай кучли ёмғир ёғаётганига қарамай бу ерга келишингизга нималар сабаб бўлди.
- СЕВИЛИЯ** - Мени бу ерга келишимга хеч қандай ҳаво қаршилик қила олмайди. Бир хафтадан бери, мен ғалати тушлар кўраяпман. Отанг тушимда нуқул: “Брут огоҳ бўлсин! Хато ишларга киришмасин!” деб, асибийлашарди. Брут, мендан хеч нарсани яширма. Цезарни севмаслигини ва хатто, ундан нафрат этишингни биламан, оғлим. Мен тушунаман, сен ундан интиқомингни олмоқчисан. Мени ташлаб кетганига сабр қилаолмасан. Лекин, дикқатли бўл. Цезерни хеч ким менчалик билмайди. У ҳамиша ҳавфли... Раҳимсиз...
- БРУТ** - Хотиржам бўлинг. Цезар менга ишонади. У аксинча, мени ўзини хурмат қиласди ва яхши қўради, деб билади. На фақат Цезар, балки бошқалар хам мен, садоқатли дўсти деб билади. Чунки мен хақиқатни, нафратимни ичимга кўмганман. Ангатаолдими? (*Мактублар орасидан отаси ўлими билан боғлиқ бўлганини таанлаб олади.*) Мана бу мактубни ўқинг.
- СЕВИЛИЯ** - (*Мактубни ўқиёди*) Буни ким, нима ниятда ёзган бўлиши мумкин?
- БРУТ** - Сиз нима деб ўйлайсиз?
- СЕВИЛИЯ** - Маълумки, буни ёзган кимса, сени Цезарга бўлган нафратингни яна ҳам кучайтиришни ҳоҳлаган. Очиқласига, у сени гижгижламоқда. Брут хабаринг бор, отанг ўлишдан олдин оғир касал эди. Бироз юрса нафаси бўғилиб қоларди. Йўтал тутиб қоларди. Наҳот бу холатларни хотирламасанг? Ўша фожия юз берган куни, ортиғи билан шароб ичган экан. Шундан вафот этди. Унинг вафотида бирорларни айблама. Мана бу мактубда

ёзилгандар хақиқат әмас. Мен қалбимдан сезгандим, сени ёлғонлар билан Цезарга қарши рақиб қилишаларини.

БРУТ - Нега бунчалик ўзингизни хақ деб биласиз, она. Фол очишни машқ қилаяпсизми?

СЕВИЛИЯ - (*Актриса қиёфасига кириб, авансахнага ўтитомошибинларга мурожат қиласиди*) Ёзувчилар - ажоиб инсонлар. Асаларидағи қаҳрамонларнинг характерлари фъел-атворларини асосан ўзларидан, баъзи ҳолларда эса танишларидан келиб чиқиб ёзишади. Жужен ўғли ҳам мени киёфамни яратиш учун, ўзининг бошидан ўтган воқеалардан келиб чиқиб ёзган бўлса керак. Бир пайтлар ёзувчимиз ишсиз, пулсиз эди. Бошқа шаҳарда ўқиётган қизига пул юбориб туриши керак эди. Кечаси билан ухлай олмай, эрталабгача ётоқда у ёқдан – бу ёққа ағанаб чиқди. Эрталаб бошқа шаҳар яшайдиган онаси, унга пул юборибди ва телефон орқали бу хақда хабар берибди. “Қаердан билдингиз пулсиз қолганимни, онажон?” деган саволига онаси жавоб берибди: “Оналар ўғилларини ҳар замон хис қилишади”.

БРУТ - (*Сахнадаги воқеа давом этади*) Она, сиздан бир нарсани сўрадим. Нега ўзингизни хақ деб биласиз.

СЕВИЛИЯ - Оналар ҳамиша хақ...

БРУТ - Хотиржам бўлинг... Бирон бир таҳликали харакат қўл урмайман.

СЕВИЛИЯ - Брут... Цезар жуда ҳам кучли. Уни қўллаб қувватлайдиган легиони, аскарлари вар. У қаттиқ қўл, шавқатсиз... Мени маслаҳатим, Цезарь билан аълоқаларингни бузма, аксинча яна ҳам яхшилашга харакат қил. Тушиндингми?

БРУТ - Тушиндим... Огоҳлантирганиз учун ташаккурлар. Бу кеча шу ерда қоласизми?

СЕВИЛИЯ - Биласанку, мен фақат ўз ўрнимда ухлай оламан. Ўзи шу кунларда анча чарчаганман ва уйқисизман. Мен сени огоҳлантиридим. Энди қўнглим тўлди. Мен борай.

БРУТ - Порция билан кўришмайсизми?

- СЕВИЛИЯ** - Мен борақолай. Яна келарман. Порцияга саломларимни айтиб қўй. Хайрли кеч, ўғлим.
- БРУТ** - Яхши боринг.
- СЕВИЛИЯ** - Айтганларимни унутма, ўғлим.
- БРУТ** - Унутмайман, она.
- Севилия чиқади. Брут уни кузатиб қўяди. Кассий ва Каска кириб келадилар.
- ЛУЦИЙ** - Хуш келдингиз, афандим.
- КАССИЙ** - Хуш кўрдик.
- КАСКА** - Хуш кўрдик.
- ЛУЦИЙ** - Марҳамат, буюринглар афандилар.
- БРУТ** - Хуш келдинглар, дўстларим.
- КАССИЙ** - Хўш кўрдик, дўстим.
- КАСКА** - Хўш кўрдик, Брут.
- КАССИЙ** - Бироз ушланиб қолдик. Кўчалар сокин бўлишини кутдик.
- БРУТ** - Яхши қилдингиз. Марҳамт ўтиргинглар. Отамдан мерос қолган, ийигирма йиллик шаробим бор. Энг яқин дўстлар учун олиб қўйгандим. Сизларга насиб этибди.
- КАСКА** - Шароб айни муддао бўларди.
- КАССИЙ** - Асабларимиз жойига тушади.
- БРУТ** - Эсимдан чиқмасдан, айтиб қўяй Кассий. Порциянинг сизларга саломлари бор. Давлат ишларини бир четга қўйиб, зиёфат қиласайлик, дейди.
- КАССИЙ** - Ростини айтибди. Тезроқ ишларимизни тугатиб, майишатни бошлайлик.
- БРУТ** - Жуда яхши. Ишимизни битириб, бира тўла қутлаймиз. (*Луцийга*) Қани маҳоратингни кўрсат.
- ЛУЦИЙ** - Амрингиздаман, афандим. (*Чиқади*)
- БРУТ** - Гапни нимадан бошлашни билмай қолдим.

КАССИЙ - Шошиладиган жойимиз йўқ. Бироз шаробдан ичайлик, кейин гаплашаверамиз.

КАСКА - Хеч ким халақит бермайдиган хонага ўтсак.

КАССИЙ - Тўғри. Келишиб оладиган масала ўта маҳвий.

БРУТ - Хаммаси тайёр.

Луций қўдида катта паднисни кўтариб кириб келади. Олиб келган ичимлик ва егуликларни столнинг устига жойлаштиради. Катта шаробнинг шишасини зўрланиб очади. Олдинига ўзи уун олиб келган идишга синов ичин шароб қуюб аста - секин ичади.

ЛУЦИЙ - Ёқимли иштаҳалар...

БРУТ - Ташаккур, Луций.

Луций бошқалага ҳам шаробдан қуюб беради. Брутнинг ишораси билан уларга таъзим қилиб чиқади. Бу ерда қолганларшаробларини ичиб, ўз майшатини бошлашади.

БРУТ - Режаларимиз амалга ошиши учун ичамиз. (*Ичишиади*)

КАССИЙ - Бунчалар ажоиб шаробни илк маротаба ичапман десам, муболағи бўлмайди Брут.

КАСКА - Мен ҳам айни фикрдаман. Хақиқатдан ҳам шаробнинг ўхшashi йўқ маззаси бор экан.

БРУТ - Ош бўлсин, дўстлар.

КАСКА - Хоҳласангиз, яқинда гувоҳи бўлганим бир воқеани гапириб бермоқчиман.

БРУТ - Марҳамат, сенатор Каска.

КАСКА - Икки кун олдин бозор мадонидан ўтиб кетаётгандим. Биласизлар ўша ерда битта каҳвахона бор. Ўша ерда чамаси утти-саккиз киши, март ойи бўлишига қарамай, ташқарида қуёшдан исиниб ўтиришарди. Мен ҳам аста-секин келиб уларнинг ёнидаги столга жойлашдим. Хоҳламасдан уларнинг қизғин сухбатларига гувоҳ бўлдим. Сиз хақингизда гапиришаётганди, хўрматли дўстим. “Брут муккамал бир инсон”, дейишаётганди. Улар мени сезишмади. Мен уларни биринчи марта қўришим, нотаниш инсонлар эди.

- БРУТ** - Ташаккур дўстим. Бундай гапларни эшитиш албатда қувонч бахш этади. Жуда кўп инсонлардан мактублар ҳам оляяпман. Сўнгги хафтада келган мактубларнинг сони икки юздан кўпроқ. Бугуннинг ўзида йигирма иккита мактуб олдим. Агар адашмасам...
- Каска билан Кассий ўзаро сирли қараб олишади.
- КАССИЙ** - Брут сени халқимиз жуда яхши кўришини мен биламан. Сен билан ҳаммамиз ғуурланамиз.
- БРУТ** - Чизик, бугун боғимизга ташлаб кетилган мактублар кимларлардан экан? Шунчалик мақташларга йўғирилган сатрларнинг муаллфилари ким бўлиши мумкин? Имзо? Бир ватандош... Римлик бир фуқаро. Яна имзо... савдогар... халқдан бири... дўкончи... Ахамият бердингларми, биронта ҳам исм йўқ. Бу ғалати эмасми? Сизларни бу исмсизлик безовта қилмайдими, дўстлар?
- КАССИЙ** - (*Ҳавотирга тушиб*) Тушунмадим.
- БРУТ** - Тушунмайдиган бирон бир нарса йўқ. Бу дегани оммани, халқни жиддий олмаслик керак. Агар мақтовларни ёзиб, ўз номини ёзмаган бўлса, билингки, демак, қандайдир кўркув бор. Бу омма, Рим халқи, уларни ким бошқарса ўшанга тобий бўлишга молийдир. Ёки шундай кўринишни хохлашади. Бу холат сизнингча эътиборга лоик эмасми? Энг ёмони, бу инсонлар, агар фойдасини кўришса, хақсизликка ҳам кўз юмишади.
- КАССИЙ** - Яъни бирон ноконуний иш юз берса, суруштирув талаб қилишмайди, шундайми?
- БРУТ** - Шундай! Ахир ўз ишларидан, яшаш тарзидан, хузур-ҳаловатидан ажралишни хеч қим хохламайди.
- КАСКА** - Аъни айтмоқчисизки, омма, оломон юқоридагилар нима деса, шунга бўйсунишади, шундайми?
- БРУТ** - Йўқ унчалик эмас. Баъзан, халқ қўзғалса, уни тўхтатиб бўлмайди. Улага уч танга берилишини айтсангиз, ҳар қандай тўполонга қодир бўишади. Омма деганимиз фуқорани, яхши яшashi учун олдиларидағи муаммо ва тўсиқларнинг олиб ташланишига

ишонтирилса, улар бирлашиб хар қандай қўзғолонга тайёр бўлишади. Уларнинг тушунчалари, фалсафаси жуда оддий - қўлларидаги бир қуш, дараҳтаги икки қушдан хар доим яхши. Яни, оч қорним – тинч қулоғим. Бир сўз билан айтганда, бу хатдаги мақтовлар, ғуурланишлар мени заррача қизиқтирмайди.

КАССИЙ

- Лекин фуқоралар орасида Рим учун хақиқий жонқуярлар ҳам бор. Римнинг истиқобли учун ҳар қандай мужodalага киришга, ҳатто қурбон бўлишга ҳам, тайёрлар бор. Ёки мен хато қиласяпманми?

БРУТ

- Албатда хақиқий ватандошлар топилади. Лекин улар жуда камчиликни ташкил этади. Шунга қарамай мана шу “озчилик” ўзларининг харакатлари билан ғолиб чиқиши, “кўпчилик” уларни тан олиб, қўллаб-қувватлашади... Келинглар биз ўз ишимизни чорасига қарайлик. Эртага биз ва Рим учун жуда ҳам муҳим, эътиборга лоик кун бўлади. Сайлловда Цезарь мағлуб бўлади. Биз жумҳуриятчилар нима қилшимизни аниқ белгилаб олишимиз керак. Кассий бу борада қилинадиган ишлар бўйича аниқ бир режамиз, тайёргарлигимиз борми?

КАССИЙ

- Ҳа бор!

БРУТ

- Нега мени бу ишдан хабарим йўқ?

КАССИЙ

- Брут дўстим, ҳозир ҳаммасини яна бир марта келишиб оламиз. Цезарни сенга бўлган хурмати бошқаларни бироз шоширтириб қўйди. Лекин ҳаммамиз, сени биз билан бирга бўлишингни ҳоҳлаймиз.

БРУТ

- Ҳаммамиз, деганинг кимлар?

КАССИЙ

- Исмлари аниқ бўлгани... Олтмиш уч сенатор – жумхуриятчи биродарларимиз. Яна битта эътиборга лойик, биздай ўйладиган сенатор бор. Фақат қариб қолган ва бироз хаста одам. Лекин охиригача ёнимизда туришини билдириди.

БРУТ

- Бу жуда ҳам яхши хабар. Қандоқ қилиб улар бу ишга рози бўлишди?

КАССИЙ

- Бурут сени хабаринг бор, сенат ҳаяти Цезарга тақдим этилган юқори мартаба ва унвонни бериш учун Вена яқинидаги лагерга

сафар уюштиришган эди. ўшанда Цезарь қандай йўл тутганди? Юксак мақомдаги сенаторлар ҳаятини ҳурматсизларча ўтирган ўрнида қарши олди. Бу ҳолат барча сенаторларни ғазабга келтирди. “Цезарь ҳозирдан кибирга берилиб, шундай ҳурматсизлик қилса, сайловларда ғолиб чиқса, ўзини қандай тутади?..”, деб сенаторлар хавотрига тушишди. Шундан кейин, ташвишга тушган сенатролар, Цезарга сайловларда қарши овоз беришлари аниқ бўлди.

- БРУТ - Лекин бу етарли эмас. Цезарь ўзи – ўзидан ҳокимиятни осонликча бериб қўймайди.
- КАССИЙ - Тўғри бу етарли эмас. Асл қароримизни, сен биз билан бирга бўлишга рози бўлганингдан кейин, эълон қиласиз.
- БРУТ - (*Куллимсираб*) Хўш... Мен рози бўлдимми?
- КАССИЙ - Биз шуни билиш учун бу ерга келдик. Хўш, биз билан бирга бўлишга розимисан, Брут?
- БРУТ - Агар биз бугун, бу ерда бир қарорга келсак, юқорида айтилган барча сенаторлар бизнинг қарорга қўшилишадими?
- КАССИЙ - Шубҳасиз!
- БРУТ - (*Чироқлар ўзгаради. Брут актёрга айланиб, томошибинларга мурожсат қиласи*) Қайнинбиродарим бўлишига қарамай менга охиригача ишонмаяпди. Агарбу ишдан бирон бир ҳато кетса, яна мени айбдор қилишдай толмайди. Лекин, мен бу ҳолатда, вазиятдан унумли фойдаланишим керак бўлади. (*Чироқлар яна ўзгариб, актёр Брутга айланади.*) Имкони борича очиқ гаплашайлик. Энг аввалом бор шуни барчамиз эътироф этишимиз керакки, Цезарь буюк инсон. Бир қаҳрамон! Ўзига ишонган, мард, жасур қўмондон. Яна бир қатор юутуклари бор. Лекин уни камчиликлари, заиф томонлари ҳам мавжуд. Кибирли, ўзига ўта юқори баҳо бериши, аёлларга бўлган ҳушомати унга зиён келтириши мумкин. Лекин, бу камчиликлар у билан курашиш учун етарли эмас. Қисқа қилиб айтганда уни жидди айиблаш учун бизда хеч қандай далил йўқ.

- КАССИЙ** - (Брутнинг бу сўзларидан Кассий умитсизликка тушиб қолади.) Ундай бўлса, энди нима қиламиз? Қандай қилиб биз хақ эканлигимизни исбот қиламиз?!
- БРУТ** - Дўстлар, яхшилаб бир ўйлаб кўрайик. Агар, бордию, эртага сайловларда Цезарь ғолиб чиқса нима бўлади? У фақат ғолиб бўлиб тахтга ўтирумайди?..
- КАССИЙ** - Тушунмадим?
- БРУТ** - Тахтга ўтириди дегани, унинг оғзидан чиқан хар қандай фикр қонунга айланади, хар қандай ҳоҳиши амалга ошади, дегани. Бошқача қилиб айтганда, у диктаторга айланади. Мутлақо ҳокимиятга эга бўлиш, ҳар қадай мулоим, раҳимдил инсонни ҳам золимга айлантиради. Жуда катта кучга эга бўлади. Бу жараёндаги энг катта хавотир, Цезарь умрининг охиригача иқтидорда, ҳокимиётда қолади... Шундайми?
- КАССИЙ** - Биз ҳам шундай фикрдамиз, Брут.
- КАСКА** - Энг ҳавфлиси, Рим халқи аста секин унинг талабларига кўнишиб, Цезарнинг буюруқларни хеч қандай қаршиликсиз бажаришга киришадилар. Бу Рим Республикасининг сўнгги, тугаши бўлади.
- БРУТ** - Ха... Мен Цезарни яхши кўраман дўстлар, лекин Римни кўпроқ яхши кўраман!
- КАССИЙ** - Яъни?!
- БРУТ** - Яъни, бошқача қарорга ҳам бор олмаймиз! Мен бир одамнинг оғзидан чиқан буюруқларга бўсиниб яшай олмайман. Кўпчиликнинг фикри билан Рим бошқарилиши керак. Бу Республиканинг асосий ва бош қонуни.
- КАССИЙ** - Мен ҳам шу фикрдаман!
- КАСКА** - Хўш, агар хаммамиз ҳамфикр эканмиз, нима қарорга келамиз.
- БРУТ** - Цезарнинг диктатор бўлишига, якка ҳокимлигига қарши курашмоғимиз лозим.
- КАССИЙ** - Эртага сенатда бўлиб ўтадиган сайловда қарши чиқа оламизми? Бу мумкинми, Брут?

- КАСКА - Албатда, бу мумкин эмас. Унинг тарафдорлари кўп. Сенаторларнинг кўп қисми унга яхши кўриниш ва натижада ўзларига керакли имкониятларни яратиш учун, Цезарга овоз беришади.
- КАССИЙ - Нима қилишимиз керак, Брут?
- БРУТ - (*Бироз ўйланиб*) Ўлдирилиши керак! Ха, Цезар ўлдирилади!!!
- КАССИЙ - Бу фикр ҳозиргача хеч бир ерда очиқ айтилмаган эди лекин кўплаб ҳамфикр жумҳуриятчи сенаторларнинг ҳаёлларида айланиб юрганди. Бу жуда тўғри фикр. Биз ҳаммамиз сен билан биргамиз! Қачон амалга оширилади, бу фикр.
- БРУТ - Шу ондан бошлаб, эртанги саловларга қадар вақт ичida ўлдирилиши керак. Чунки агар сайловгача бу ишни амалга оширмасак, у тахтга ўтиргандан кейин, унга яқинлашишнинг имконияти бўлмайди.
- КАССИЙ - Қандай юз беради бу иш, Брут?
- БРУТ - Бундай вазиятлар энг мақбул йўли, бу – заҳарлаш! Лекин бунинг учун на вақтимиз бор, на шундай бир имкониятимиз бор. Олдимизда ягона йўл қолмоқда – суюқаст.
- КАСКА - Ким бу ишни бажариши мумкин?!
- БРУТ - Бундай ўта жиддий ва маъсулиятли ишни бир кишининг зиммасига ташлаб бўлмайди. Цезарнинг яхши спортчи ва курашида маҳоратли эканини унутманглар. Қолаверса ёнида аскарлардан қўриқчилар ҳам бор. Ҳавотир олма, бу ишни сенга топширмаймиз.
- КАССИЙ - Кўпчилик бўлиб хужум қиласизми?
- БРУТ - Ха, бир тўда бўлиб харакат қилишимиз керак. Бир ханжардан қутилиб қолса, бошқалари ўз ишини қилишлари керак. Бу жараёнда, ўша катта ёшдаги ва хаста бўлган сенатордан бошқа хаммаси иштирок этиши керак. Жумҳирият, хурлик, фақат ханжар билан қўрилиши мумкин.
- КАССИЙ - Каерда амалга оширамиз бу режани.

- КАСКА - Ва қачон?
- БРУТ - Хаммага маълум, тонг отиши билан Цезарь одатга кўра очиқ ҳавода айланишга чиқади. Мана шу юриш пайти, бизни режани бажариш учун энг қулай пайтдир. Бу ерда энг катта масала суюкаста иштирок этувчиларнинг барчаси бир орага йиғилиши ва кўринмай вазиятни пойлашдан иборатдир. Бу ишни бошқариш сени зимангда Каска.
- КАСКА - Бу ердан чиқишим билан ҳаммани огохлантираман. Бу масалада хотиржам бўлинг. Ҳар биринг кўйлаги тагида ханжарлари тайёр бўлади.
- КАССИЙ - Брут, ўзи бир қанча биродарларимиз эрталбки юришларда иштирок этишади. Мен ғам баъзида тонгги юришларда иштирок этаман. Бу сафар тонг отиш олдидан боғга кираверишда кўришамиз.
- КАСКА - Бизниklарнинг ҳаммаси келишилган ерда тўпланишади.
- БРУТ - Жуда яхши. Цезарь келишидан олдин, бизниklар олдиндан белгиланган жойда тайёр бўлиб туришсин. Маълум, Цезарь катта қадамлар билан қўриқчилардан олдинлаб кетиши одатий ҳолга айланган. Бурилишда, ёнимиздан ўтиши билан ҳаммамиз бирданига ҳамла қиласмиш. Икки дақиқада ҳаммаси тугайди...
- КАССИЙ - Жуда яхши ўйланибди. Табриклайман.
- КАСКА - Шундай қилиб диктатордан қутиласмиш.
- БРУТ - Қўшимча қиладиган фикрингиз борми?
- КАССИЙ - Йўқ. Ҳаммаси яхши ўйланган.
- КАСКА - Биз эмас, энди ханжарларимиз гапирсин.
- БРУТ - Ундей бўлса, мана энди келишилган режаларни амалга оширишга киришамиз.
- КАССИЙ - Тўғри. Бугун ухлаш йўқ. Бирордан кейин тонг ота бошлайди.
- КАСКА - Мени хали қиладиган ишларим кўп.

Кассий ва Каска хайрашиб чиқишли. Брут шароб ва идишларни олиб, Порциянинг хонасига чиқади.

ПОРЦИЯ - (Кўлига шароб тўла идишни олиб) Брут сени борлигин учун.

БРУТ - Режаларимиз амалга ошиши учун

Улар қадаҳларни ичишади. Сахна қоронғулашади.

III

Рим. Юриш учун парк

Тонг отмоқда. Атрофда сокинлик. Брут томошибинлар орасида аста секин сахна томон келади. Юзида маскаси бор. Паркнинг бир четидан Касканинг боши кўринади. Каска Брутнинг келганини кўради, харакатга тушади. Яширган сенаторларга бир нарсалар уқтиргандай бўлиб, аста секин Брутга яқинлашади.

БРУТ - Ҳайрли тонг, Каска.

КАСКА - Ҳайрли тонг, Брут.

БРУТ - Ахволлар қалай?

КАСКА - Бизниkilар келишилган жойда, кутишаяпди.

БРУТ - Ҳамма келдими?

КАСКА - Ха. Фақат ёши катта ва хаста сенатордан ташқари, барча шу ерда.

БРУТ - Кассий қаерда?

КАСКА - Сенаторлар билан бирга. Уларни хотиржам қилиб, тўқнашувга тайёрламоқда. Бу сенаторларнинг орасида фақат иккитаси жанг майдрни иштирок этган ҳолос. Қолганлар ҳанжарни ишлатишни ҳам яхши билишмайди.

Қуёш аста секин кўрина бошлайди. Брут Каска билан сухбатини давом этаркан, Цезарнинг келиши кутиб, йўлинни кузатади.

БРУТ - Цезир яқинлашмоқда. Уни кўришинг билан ўз жайингни эгалла. Менга ишончи катта. Шунинг учун мен уни шу ерда

қаршилайман. Мен уни аста секин сизлар томонга олиб бораман. Тайёр бўлиб туринглар, кутилмаганда, бирданига ташланасизлар. Бирон бир хато бўлмаслиги керак.

КАСКА - Кўп яша, Брут. Сен бор жойда ҳаммаси яхши бўлади.

БРУТ - Ташаккурлар, Каска. (*Бирдан Цеазрни кўриб қолади.*) Ана келмоқда, ўз оёклари билан ўлимига қараб. Бошида тожи... Ишонч ва ғуур ила одим ташламоқда. Бироз сўнгра бу қиёфадан қолмас асар ҳам. Бу тожни кўтариб турган бош ҳам танасидан жудо бўлади.

Узоқлардан Цезарнинг унга мурожат қилаётга одамлар орасидан келишини кузатиб турган Каска унинг бу харакатларидан жаҳли чиқади.

КАСКА - Эрталабдан нималар хақида гаплашишади, булар.

БРУТ - Халқни талаблари тугамайди. Бири боласини қамоқдан чиқариши сўраса, бошқаси сургундаги эрини қайтиб келишига изин беиши учун ёлворади. Балки биронтаси иш топиб бериши дардидадир. Яқинлашганда ўз жойинга бориб тайёр бўлинглар. Мен Цезарни сизларни пистирмага олиб келаман.

Цезарь ва ёнидагилар яқинлашиб келишаркан бирданига чақмоқ урандай у ўзини ерга ташлаб, типирчилаб кетди.

БРУТ - Ейвоҳ! Тутоноги тутиб қолди.

КАСКА - Энди нима қиласиз?!

Цезарнинг ёнидагилар шошиб қолган, унга ёрдам беришга харакат қилишади. Цезарни титроқ босиб, оғзидан кўпик кела бошлайди. Кўриқчилар уни маҳкам тутишга уринишади.

БРУТ - Танггринга дуо қил, шу кетишда қайтиб келмасин. Кўлимиз ҳам қонга бўялмасди.

КАСКА - Цезарни оғзидан кўпик келиб, ерга етволиб, типирчилашини хеч ҳам кўрмаган эканман.

БРУТ - Яна бироз бу ҳолат давом этиб, кейин ўтиб кетади. Кутишдан бошқа чора йўқ.

КАСКА - Балким, пистирмадаги дўстларимизни чақириб, чўзиб ўтирмасдан, типирчилаб ётган Цезарни бўғизлармиз.

БРУТ - Ақлинг жойидами? Бу оломон ичидә Цезарни севадиганлар, фидоилар бор. Буларнинг кўз ўнгида уни ўлдира олмаймиз. Тарихда қотил бўлиб қоламиз. Ақлингни йифиб ол, Каска. Мен ҳозир Цезарнинг ёнига бораман. Унга ёрдам бергандай бўламан. Ўзига келганда мени қайғурганимни кўриши учун. Ҳозир энди биз ҳоҳлагандай бўлмайди. У одатдагидай уйга бориб дам олиши керак бўлади.

КАСКА - Яъни?

БРУТ - Бориб бизни одамларга тушунтири, тарқалишсин. Лекин биздан кейинги хабарларни кутишсин.

КАСКА - Вақт жуда ҳам кам қолди. Тушдан кейин сенатда сайлов бошланади. Нима қиласиз?

БРУТ - Хамон умитсизланма. Қандоқ қилиб бўлса ҳам, бу иш сайловгача битади. Бор Кассийга етказгин, бироздан кейин Римнинг энг катта паркига кириш эшиклари орқасида кўришамиз. Бехосдан кўришиб қолгандай бўламиз. Ўша ерда нима қилишимизни келишиб оламиз. Тушунарлимни?

КАСКА - Тушунарли Брут. Кўрушгунча...

БРУТ - Кўришгунча...

Каска сенаторларнинг яшириниб турган ерига қайтади. Брут эса Цезарь ётган томонга шошиб кетади. У ҳам Цезарнинг ўзига келишига ёрдамчи бўлади. Цезар ўзига келиб, бошидан тушган тожини қидиради. Уни топиб бошига кияди.

БРУТ - Шифосини берсин, улуғ Цезарь.

ЦЕЗАРЬ - Ташаккур дўстим Брут. Душманлар севинмасин, дўстлар қайғурмасин, менга хеч нарса бўлгани йўқ. Яхшиман.

БРУТ - Шбҳасиз. Фақат уйга бориб бироз дам олишингиз керак. Тушдан кейин қиласиган анча ишларимиз бор.

ЦЕЗАРЬ - Тўғри уйга боришим керак. Фақат дам олиш учун эмас, балки сайловдан сўнг гапириладиган ғолиблик нутқини ёзиш учун.

Саҳнага қоронғулик тушади.

IV

Рим. Катта Парк

Кассий ва каска қарама қарши томонлардан келишиб, катта паркнинг кираверишидаги дарвозаларнинг орқфа томонида кўришадилар. Бироздан кейин бу ерга Брут ҳам ётиб келади.

- БРУТ - Кутиб қолмадитнгларми?
- КАССИЙ - Йўқ.
- КАСКА - Биз ҳам энди келдик.
- КАССИЙ - Шу томонга ўтиб ўтирайликми?
- БРУТ - Керак эмас. Ортиқча диққат-эътиборни тормайлик. Оёқ усти, туриб гаплашайлик. Ишимизнинг охирига келдик. Чўзиб ўтирмай, қилинадиган ишларни тезроқ келишиб олайлик.
- КАСКА - Хўш... Нима қилишимиз керак бўлади.
- БРУТ - Олдинига бўлиб ўтган воқеалар билан сизларни таништирай. Мен Цезарни уйигача қузатиб қўйдим. Мен ҳар вақт унинг ёнида эканлигимни ацтдим. Унинг менга бўлган ишончи яна ҳам ортди. У менга қараб: “Мен ҳар доим сенга ишониб келганман...” деди. Хайрашар эканмиз, у мени ичкарига дават этди. Мен “Тушликкача сизни олдингизга келаман ва биргаликда Сенатга борамиз” дедим. У ҳам рози бўлди. “Агар биргаликда сенатга кириб келсак, муҳолифатдаги сенаторлар ҳам ўз овозларини кимга бериш кераклигини яхшилаб ўйлаб кўришга мажбур бўлишади” дедим. У эса “Жуда ҳам ақиллисан” деди. Тушунаяпсизларми?
- КАССИЙ - Жуда яхши бўлибди.
- КАСКА - Аъло... Сизга қоил, Брут.
- БРУТ - Энди мени гапларимга диққат билан қулоқ солинглар.
- КАССИЙ - Марҳамат. Айтаверинг.

- БРУТ - Мен ҳозир айтганимдай, Цезарни уйидан олиб, Сенатга қараб бирга юрамиз. Йўлимиздаги Помпей театринг етиб келганимизда, оммадан бири келиб Цезарга хатни узатади.
- КАСКА - Хатда нима ёзилган бўлади?
- БРУТ - Гўё, фуқоралардан биринг ўз муаммоларини хал қилиш учун мурожат бўлади. Аслида хатнинг матни муҳим эмакс. (*Ёнидан бир хатни олиб Каскага узатади*) Мана бу хатни яхшилаб сақлаб қўй. Бирон бир ишонарли одам топиб, Цезарь театрнинг олдига келганда, унга беришини уқтиргин. Тушиндингми?
- КАСКА - Цезарь хатни олмаса-чи?
- БРУТ - Ундай бўлса, хатни мен оламан. Цезарга театрга бировга кириб, актёрлар билан кўришишни таклиф этаман. Цезарь театрчилар билан яхши аълоқада бўлиш крераклигини яхши билади. Уларни ўзига қарши бўлишларини хеч ҳам хохламайди. Сен эса олдингидай, барча сумҳуриятчи сенаторларни театр биносининг ички томонидан ханжарлари билан пистирмада ҳамла учун тайёр қилиб қўйясан. Цезарь ичкарига кириши билан ҳамма унга ташланади. Шундай қилиб ҳаммаси ўз нихоясига етади.
- КАСКА - Яхши. Лекин театрга кирмасачи?
- БРУТ - Киради. Ҳозир айтдим-ку, актёрлар билан аълоқани ёмон бўлишини хохламайди. Сен мени айтганларимни қил, етади. Фақат, шуни эслаб қол. Мени театрнинг олдида кўришинг билан, “ҳаммаси режалаганимиздай” дегандай ўнг қўлингни кўтариб қўй. Мен ҳам сенга жавобан қўлини кўтараман. Кейин ўзинг ҳам йўқ бўласан. Тушунарлими?
- КАСКА - Қанандоқ қилиб йўқ бўламан.
- БРУТ - Ичкарига кириб кетасан. Буни нимасини тушунмадинг.
- КАСКА - Тушундим, Брут.
- КАССИЙ - Цезарнинг ёнида ҳар доим қўриқловчи аскар бўлади.
- БРУТ - Агар аскар ичкарига киришга ошиқса, у ҳам ўз интихосини топади.

- КАССИЙ - Лекин у аскарлар жуда ҳам маҳоратли, кучли...
- КАСКА - Ундей бўлса, эски кўмитонлардан, ҳозирда сенатор бўлган икки биродаримизга аскарлар билан шуғуланишини топширамиз.
- БРУТ - Яхши. Кассий сен ичкарида туриб бу ишларни бошқарасан.
- КАССИЙ - Мамнуният билан бу ишни амалага ошираман. Кўнглингиз тўқ бўлсин. Демак, мен ҳам олдиндан театрнинг ичига жойлашиб оламан.
- БРУТ - Ҳаммаси тушунарлим? Саволлар борми?
- КАСКА - Мен ҳаммасини тушундим.
- КАССИЙ - Бўлмасам мен бориб сенаторларни бу мудхиш жараён учун тайёрлай. Бироқ, мени қийнаётган бир масала бор. Агар, бордию, ишлар биз ўйлагандай кетмай, Цезарь тирик қолса, унда нима бўлади, Брут?
- БРУТ - Нима халақит бериши мумкин?
- КАССИЙ - Бордию, уйдан чиқмаса-чи?
- БРУТ - Чиқиши аниқ. Бундай фурсатни қўлдан чиқармайди. Ҳозир у сенатдаги нутқини ёзмоқда.
- КАСКА - Бошқа йўлдан кетсачи?
- БРУТ - Мен ҳаммасини ўйлаб қўйганман. Хар қандай шароитда ҳам у бугун қатл қилинади.
- КАСКА - Мен бунга ишонаман.
- КАССИЙ - Мен ҳам.
- БРУТ - Омадимизни берсин. Қани бошладик бўлмасам.

Бир бирларига қўл ташлашиб, тарқашади. Саҳна қоронғулашади.

V

Юлий Цезарнинг уйи

Чезар стол устида сенатдаги нутқини ёзиш билан овора. Кальпурния сассиз кириб келиб, Цезарнинг ёнига ўтиради. Бироз Цезарнинг ёзишини қузатиб, безовта қилмасдан эхтиёткорлик билан Цезарни сухбатга тортади.

КАЛЬПУРНИЯ - Безовта қилмаяпманми, Цезарь?

ЦЕЗАРЬ - Йўқ Кальпурния... Чунки мен ишларимни тугатдим.

КАЛЬПУРНИЯ - Балки кўнгилнгиз ичимлик истар.

ЦЕЗАРЬ - Йўқ... Ташаккур... Балким, Брут келганда ичармиз. Эътиборинг учун ташаккур.

КАЛЬПУРНИЯ - Яхши. Ўзингизни қандай хис қиласиз, Мени Цезарим?

ЦЕЗАРЬ - Қандай бўлсин? Мендан баҳтли инсон бу дунёда топилмаса керак. Бугун қирол бўлишим эълон қилинади. Яна менга нима керак. Бугун бу муҳим ҳабардан дўстларим хурсанд бўлишади, душманларим эса аксинча хафа бўлишади. Мана бу қоғозда эртадан бошлаб қандай муҳим ишларни амалга ошириш режасини тузиб чиқдим. Илк қиладиган ишим, менга содик бўлган инсонларни мукофотлантириш. Биринчи бўлиб мени дунёга келишимда сабабчи бўлган хакимни мукофотлайман.

КАЛЬПУРНИЯ - Жуда ҳам яхши ўйлабсиз, мени Цезарим. Мени шундай буюк турмиш ўртоғим борлигидан фаҳирланаман.чч

ЦЕЗАРЬ - Айтганимдай, мукофотлантиришда бағри кенглигим бор, лекин душманларни жазолашни ҳам яхши биламан. Глани яксон этдим. Ғалабамиз учун зиёфат бошланганди. Бирданига бир қўшиқ янгради. Бу қўшиқни айтиётган аскарлар – “Цезарь Галани забд этди, лекин ўзи Никомедга мағлуб бўлди...” деб такрорлашарди. Мени хақорат қилган бу инсонларни мен хеч қачон кечира олмайман. Нега жимсан, Кальпурния?

КАЛЬПУРНИЯ - Сиз ҳар замон тўғрисини биласиз, мени Цезарим.

ЦЕЗАРЬ - Ҳаётимда жуда кўп қийинчиликларга учрадим ва албатда инсонларнинг фарқига бораман.

КАЛЬПУРНИЯ - Айнан мана шу қийинчиликларни енгиб, шундай мартабага эришганингиз учун ҳам халқимиз билан биргаликда мен сиз билан фаҳирланаман.

ЦЕЗАРЬ - Бир пайлар адвакат бўлиб хизматимни бошлаганимда маҳкамада кўп марта менга ўзларининг фойдасига таъсир қилмоқчи бўлишиди, лекин мен ҳар доим хақиқат, адолат ва қонун талабларидан ташқарига чиқмадим. Ҳозир ҳам айнан шундай, қонун нима деса, шуни бажарилиши тарафдориман.

Эшикдан ичкарига Брут кириб келади.

БРУТ - Айибга буюрмайсиз, Цезарим, руҳсатсиз ичкарига кириб келганим учун.

ЦЕЗАРЬ - Брут сен учун руҳсат шарт эмас. Дўстим учун эшикларим ҳар доим очик.

КАЛЬПУРНИЯ - Сизга ҳам чой олиб келай.

БРУТ - Ташаккур хоним-афанди. Аслида вақт ўтказмай чиқишимиз керак. Сайлор бошланишидан олдин сенатга етиб боришимиз керак бўлади. Бу жуда ҳам муҳим. Цезарим, агар дам олган бўлсангиз, руҳсатингиз билан, чиқишимиз керак.

ЦЕЗАРЬ - Мен ижод қиласканман, дам оламан, Брут. Сенатдаги нутқимни тайёрладим.

БРУТ - Балким яна бироз дам оларсиз? Бугун ишимиз кўп бўлади.

КАЛЬПУРНИЯ - Сиз ҳам борасимиз, Цезарим.

ЦЕЗАРЬ - Менсиз сенат йиғилиши бўлиши мумкин эмас. Бу кунни анчадан бери кутаман. Бугун мен учун байрам. Ахир шунчалар шижаот билан ёзган матинни Брутга ўқиш учун бериб қўймайманку, Кальпурния? Бугун мен ва Рим учун жуда ҳам муҳим кундир. Бу муҳим кунни борлигича хис этишни ҳоҳлайман. Шундай эмас-ми, дўстим Брут?

БРУТ - Шубҳасиз шундай, буюк Цезар! Хаммаси сиз ҳоҳлагшанигиздай бўлади, афандим!

- ЦЕЗАРЬ** - (*Сенатга боришига тайёрланади.*) Баъзи бир эшитганларимга қараганда, Жумхуриятчи сенаторлар, уларни ўтириб қарши олганимдан норози бўлиб, менга қарши овоз беришга тайёргарлик кўришмоқда эканлар. Бу гаплар ростми Брут?
- БРУТ** - Шунга ўҳшаган гаплар мени ҳам кулоғтимга етиб келди.
- ЦЕЗАРЬ** - Мен жумхуриятчиларга бундай ҳолат юз беришига оёқларимда оғриқ борлиги ва бундай бўлганидан афсусда эканлигимни еткизишларини сўраган эдим. Ёки уларга мени узрим етиб бормадими, Брут?
- БРУТ** - Етиб борди, афандим. Лекин бир-иккита қайсар жумхуриятчилар, сизни учрашувдан кейин хеч нарса бўлмагандай, туриб безовтасиз уйга кетганингизни гапиришаётганди.
- ЦЕЗАРЬ** - Ўша сенаторларнинг исмларини менга айтаоласанми, Брут?! Уларни ҳам мукофотламоқчиман.
- БРУТ** - Бу вазиятни жиддийга олманг буюк Цезарь. Зотан улар ҳам айтганларидан пушаймонлар.
- КАЛЬПУРНИЯ** - Сенатга бормоқчимиз, Цезарим. Бугун ташқарига чиқмасангиз яхши бўларди.
- ЦЕЗАРЬ** - Тега энди?!
- БРУТ** - Қалбимла сезиб турибман, бугун ташқарига чиқмаганингиз маъқул. Чунки фол очганимда, Цезарь учун бугун 15 март куни, ташқарида ҳавф борлигига ишоратлар кўрдим...
- ЦЕЗАРЬ** - Тўғри бугун эрталаб мен учун ҳавфли бўлди. Кутилмаган тутаноҳим тутиб қолди мени. Ҳаммаси ўтиб кетди. Мана кўраяпсан, касалигимдан асорат ҳам қолмади. Энди сенатга бориб мен учун энг баҳтли бўлган кунни яшамоқчиман. Мен сени тушиниб турибман. Менга суюқаст бўлишидан қўрқаяпсан. Бунга ўҳшаган гаплар менгача ҳам етиб келди. Лекин бундай гаплар, сенаторлар ва мени орамга низо киритиш учун қилинган. Хатто бу мунофиқларнинг рўйхатидан Брутснинг ҳам исми ўрин олганига қандай ишонай, Кальпурния? Мен бу рўйхатдагилардан фақат Брут сени қайнбиродарин Кассийдан қўрқаман. Чунки у кўпроқ эшитиб,

камроқ гапиради. Ичидә нима борлигини билдирмайды. Сохта кулимсирайди.

БРУТ - Кассийнинг ақили... У Цезарга қарши чиқиши, уни маҳв қилишини яхши билади. У сизга бўйсунади, сизни хурмат қиласади.

ЦЕЗАРЬ - Яъни Бр ут сен айтмоқчисанки, бу рўйҳатда қўрқиладиган одам йўқ.

БРУТ - Тўғри...

БРУТ - Ундан бўлса, қайсарларча уларни қаршилиги чиқишим керак. Қўрқувдан ҳар куни ўлгандан кўра, бир марта ростакамига ўлган яхшироқ, шундай эмасми Брут?! Қани юр, дўстим кетдик мени байрамимга!

КАЛЬПУРНИЯ - Брут сизнинг дўстингиз. Мени кўнглим тўқ. Кечада тушларимда бир тўда инсонлар Цезарга ташланганини кўрдим. Қашқинча уйғониб кетдим, кейий уҳлай олмадим.

БРУТ - Тушларни тескариси бўлади, дейишади. Демак ўнларжа сенаторлар Цезарни ғалаба билан олқишлишади. Агар Цезарь сенатга бормаса, ишлар тескарисига кетиши мумкин.

ЦЕЗАРЬ - Ақиллисан Брут. Бекорга сени дўстим демайман.

КАЛЬПУРНИЯ- (*Йиги арашлаш Цезарнинг кетишиига қаршилик қўлмоқчи бўлади*) Ёлвораман, кетма Цезарь. Қалбимга қулоқ сол, у мени ҳали хеч ҳам алдамаган. Сенга қарши тузоқ бор...

ЦЕЗАРЬ - (*Хотинини сокинлаштиради*) Бўлди энди, фолга ишониб, шундай кунда мен бу ерда ўтира олмайман.

Цезарь ва Брут чиқишиади

VI

Рим. Помпей театрни олди

Театрнинг асосий эшиклари олдида Кассий ва Каска асабийлашиб кутишмоқда. Касканинг ёнида Цезарга хатни берадиган “халқ вакили” ҳам кутиб турибди. Бироз вақт ўтгандан кейин, томошабинлар залидан, узоқда Брут ва Цезарнинг ёnlарида икки кўриқловчи аскар билан аста-секин кела бошлашади. Каска хатни Цезарга берадиган фуқорани ишга киришига ундейди. Кассий театрнинг ичкарисига киради. Шу пайт Каска Брутга қараб келишагларидаи ўнг қўлини кўтариб “ҳаммаси жойида” эканлигини ишора этади. Брут ҳам қўлини кўтариб жавоб беради. Каска бу харакатлардан кўнгли тўлиб, ичкарига киради. Бироздан кейин Каска театр эшигидан эхтиёткорлик билан бошини чиқариб мўралайди. “Халқ вакили” Цезарь юриб келаётган йўлда тиз чўкиб уни келишини кутади.

ФУҚАРО - Буюк Цезарь...

БРУТ - Нима бўлди?!

ФУҚАРО - Мана бу хатни Цезарга бермоқчиман.

БРУТ - (*Гўё фуқорани узоқлаштироқчи бўлгандаи*) Бу ерда нима ёзилган?
Ёки бирон бир муҳим сир ёзилганми бу қофозда?

ФУҚАРО - Жуда ҳам муҳим хабар. Бу қофозда юртбошимизнинг билиш шарт бўлган хабар бор... Жуда муҳим...

БРУТ - Мен бер. Етишираман.

ЦЕЗАРЬ -Кўйиб юбор, Брут. (*Фуқорага*) Қани берчи.

Аскар хатни фуқоранинг қўлидан олиб, Цезарга узатади.

ФУҚАРО - Буюк Цезарь бу хабарни хамон ўқинг. Мен фуқоралик вазифамни бажармоқдаман. Билишингиз керак бўлган зарур хабарларни ҳозироқ ўқинг. Кейин мендан миннатдор бўласиз.

ЦЕЗАРЬ - Сен нима дейсан, Брут.

БРУТ - (*Овозини пасайтириб*) Менимча, бу хатни зудлик билан ўқишингиз керак. Агар ҳоҳласангиз, қаршимиздаги театрга кириб хатни хотиржам ўқиб оласиз. Қолаверса, театрнинг олдидан ўтиб, актёрлардан хабар олмасангиз, улар хафа бўлишади. Сизни театрчиларга бўлган эътиборингизни улар яхши билишади. Жамиятда театрчиларни ўрни муҳимлигини ўзингиз кўп бор такрорлагансиз, афандим.

ЦЕЗАРЬ - Сенатга кеч қолмаймизми?

БРУТ - Етарли вақтимиз бор. Бору-йўғи ўн - ўн беш дақиқа вақтимиз кетади, ҳолос. Мен назаримда, хақиқатдан ҳам сиз билишингиз керак бўлган муҳим хабар бордек, бу хатда.

ЦЕЗАРЬ - Шундай деб ўйласанми, Брут. Яхши... Бўлмасам бу фуқорани ҳам ёнимизга олайлик, балким унга берадиган саволларимиз пайдо бўлар. Қани юр, дўстим Брут...

Олдида Цезар, кейин Брут ва хатни берган Фуқаро, уларнинг кетидан эса икки аскар театр эшигига яқинлашадилар. Биринчи бўлиб Цезарь эшикдан ичкарига киради. Эшикнинг орасидан, Каска, қўлида ханжар билан Цезарга қараб ҳамла қилгани кўринади. Яралангандан Цезарь даҳшат ичидаги фариёд қиласади. Кассий ҳам ханжарини Цезарнинг кўкрагига уради. Брут ҳам ханжарини қўлига олади. Ҳар томондан ханжарлар Цезарга ҳамла қиласади. Цезарь ўзини ҳимоя қилмоқчи бўлади, сўнгги зарбани орқадан Брут уради. Цезарь орқага ўгирилиб Брутни қўлидаги ханжарни кўриб, бор қучини йиғиб, сўнгги бор, даҳшат ичидаги хайқиради.

ЦЕЗАРЬ - Сен ҳамми, Брут!

БРУТ - Ха! Сен бундай ўлимни хақ этдинг!

Ханжарлар зарбасидан ҳолсизланган Цезарь ерга йиқиласади. Жон беради. Каска, Кассий ва Брут қўллари қонга бўйлаган ханжарлари билан театр эшигидан ташқарига чиқишади. Бу орада бу даҳшатли қотилликни кўрган аскарлар, қочиб кетишган эди. Каска конли қўлидаги ханжарни юқорига кўтариб томошабинлар залига, гўёrimликларга мурожат қилгандай хайқиради.

КАСКА - Римликлар! Золимнинг иши битти! Унинг жонсиз бадани ичкарида ётмоқда!

КАССИЙ - Танрини ўрнини эгаламоқчи бўлганинг охири ўлим!

БРУТ - Лекин, огоҳ бўлиш керак. Яна янги Цезарлар дунёга келади. Кураш давом этади...

ТАМОМ.